HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

THEORETICAL FOUNDATIONS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Muxammedov Murod

Professor, Samarkand Institute of Economics and Service (SamIES)

Qodirova Dilnoza Nurmuxamad qizi

Master's Student, Samarkand Institute of Economics and Service (SamIES)

Abstract: The article analyzes the problems of further improving the efficiency of industrial enterprises and suggests ways to solve them. The structures of a number of industrial enterprises around the world are analyzed and their main characteristics are identified. Strategic goals are defined and their expected results are studied.

Keywords: globalization, industry, enterprise, efficiency, country, resource, labor, problem solving, sustainability, production, competitiveness, entrepreneurship, wages, development.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада саноат корхоналари самарадорлигини янада оширишга бўйича муаммолар таҳлил қилинади ва уларга ечимлар берилади. Жаҳондаги бир нечта саноат корхоналари тузилмалари таҳлил қилинади ва уларнинг асосий белгилари эътироф этилади. Стратегик мақсадлар аниқланади ҳамда уларнинг кутилаётган натижалари ўрганилиб чиқилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, саноат, корхона, самарадорлик, мамлакат, ресурс, меҳнат, муаммо ечим, барқарорлик, ишлаб чиқариш, рақобатбардош, тадбиркорлик, иш ҳақи, ривожлантириш.

Аннотация: В статье анализируются проблемы дальнейшего повышения эффективности работы промышленных предприятий и предлагаются пути их решения. Проанализированы структуры ряда промышленных предприятий по всему миру и выявлены их основные характеристики. Определены стратегические цели и изучены их ожидаемые результаты.

Ключевые слова: глобализация, промышленность, предприятие, эффективность, страна, ресурс, труд, решение проблем, устойчивость, производство, конкурентоспособность, предпринимательство, заработная плата, развитие.

Кириш. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнларида мамлакатлар минтақаларини изчил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аҳамияти, шу билан бирга, минтақа саноат корхоналарининг самарадорлигини қўшимча қиймат занжирини такомиллаштириш асосида ошириш тобора ортиб бормоқда. Ривожланган ва тараққий этаётган давлатларнинг йирик минтақавий марказлари ҳиссасига жаҳон ЙИМнинг 75 фоизи, экспортнинг 58 фоизи, инвестицияларнинг 76 фоизи тўғри келмоқда[1]. Бу эса минтақалардан иқтисодий тизимни янада самарали ривожлантириш бўйича оптимал усулларни излашни талаб этмоқда.

Жаҳон амалиётида саноат корхоналарининг самарадорлигини қўшимча қиймат занжирини такомиллаштириш асосида ошириш бўйича бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

таъминлаш юзасидан мақсадли илмий изланишлар ташкил қилинган бўлиб, жумладан, мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, мин- тақалар рақобатбардошлигини ошириш, изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, бу жараённи оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш, соҳанинг иқтисодий ривожланишини прогнозлашнинг усулларини ва уларни татбиқ этишнинг асосий принципларини ишлаб чиқиш, минтақа иқтисодий тизимини устувор йўналишларини оптимал тартибга солишни кўп омилли иқтисодий математик моделлари ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар. Саноат корхоналарининг самарадорлигини ошириш масаласи иқтисодий фанлар доирасида муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Самарадорлик тушунчаси классик иқтисодий назарияларда асосан ишлаб чиқариш омилларининг оптимал тақсимоти билан боғлиқ тарзда изоҳланган. Масалан, А. Смит ва Д. Рикардо каби классиклар меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлаш мумкинлигини таъкидлаганлар. Уларнинг назарий қарашларига кўра, ишчи кучининг ихтисослашуви ва бозор механизмларининг эркин ишлаши самарадорликнинг муҳим омили ҳисобланади[2,3].

Неоклассик иқтисодчилар, жумладан Р. Солоу ва Ж. Ҳикс, самарадорликни технологик тараққиёт, капитал билан меҳнат ўртасидаги нисбат ва ишлаб чиқариш функцияси орқали ўрганиб чиққанлар. Солоунинг иқтисодий ўсиш модели (Solow Модел)да ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши асосан технологик ютуқларга боғлиқ деб ҳисобланади[4].

Совет иқтисодий мактабида эса самарадорлик асосан ресурслардан максимал даражада фойдаланиш, меҳнат ва фондларни интенсивлаштириш орқали таъминланади, деб қаралган. Бу ёндашувда сифат кўрсаткичлари кўпроқ эътибордан четда қолган.

Замонавий тадқиқотлар эса саноат корхоналари самарадорлигининг комплекс таҳлилини талаб қилади. Жумладан, Портернинг рақобатбардошлик назариясида самарадорликни ошириш учун ички ишлаб чиқариш занжирининг оптималлаштирилиши, инновацияларни жорий этиш ва бошқарув тизимларининг такомиллашуви зарурлиги таъкидланади.

Ўзбекистон мисолида олиб борилган илмий тадқиқотларда саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, технологик модернизация ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш асосий йўналиш сифатида кўрсатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан тайёрланган ҳисоботларда саноатнинг барқарор ривожи учун институционал ислоҳотларнинг роли алоҳида таъкидланган[5].

Хулоса қилиб айтганда, саноат самарадорлигини оширишга оид назарий қарашлар вақт ўтиши билан мураккаблашиб бормоқда. Бугунги кунда бу соҳа кўп омилли ёндашувни талаб қилади, жумладан: технологик янгиланиш, рақамлаштириш, менежмент самарадорлиги ва глобал рақобат муҳитида мослашувчанлик.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқотда саноат корхоналари самарадорлигини оширишга оид назарий қарашлар ва амалий ёндашувлар таҳлил қилинди. Методологик ёндашув сифатида комбинациялашган метод – яъни илмий-назарий таҳлил, статистик таҳлил ва компаратив таҳлил асосида иш олиб борилди.

Биринчидан, илмий-назарий таҳлил усули орқали самарадорлик тушунчасининг эволюцияси ва унга оид турли иқтисодий мактабларнинг қарашлари ўрганилди. Ушбу ёндашув

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

орқали самарадорликка таъсир қилувчи асосий назарий омиллар – меҳнат унумдорлиги, технологик тараққиёт, ишлаб чиқариш функцияси ва институционал омиллар ажратиб олинди.

Иккинчидан, статистик таҳлил усули орқали Ўзбекистон саноат тармоқларининг охирги йиллардаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, қўшилган қиймат, инвестициялар ва рақамлаштириш даражаси ўрганилди.

Шунингдек, тадқиқот давомида SWOT-таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон саноат корхоналарининг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари ҳамда таҳдидларини аниқлашга ҳаракат қилинди.

Танланган методлар саноат самарадорлигининг ҳар томонлама ўрганилишига, назарий ва амалий тафовутларни аниқлашга, ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди.

Таҳлил ва натижалар. Бозор муносабатлари шароитида мамлакат ёки бир неча мамлакатнинг кўп ёки кам бир хилдаги табиий шароитга эга бўлган моддий ва ижтимоий техник ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар комплекси ҳамда ижтимоий сиёсий шароитининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи маълум минтақалар қўшилмаси сифатидаги тушунча тарзида кенг тарқалган. Бу ерда минтақанинг иқтисодий тизимига урғу берилмаган, бизнинг назаримизда, бу жиддий камчилик ҳисобланади:

●саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг қуйидаги тамойилларига эътибор қаратиш мақсадга

мувофиқ:

●саноат корхоналарининг балансланган структураси шаклланиши учун шароитлар яратиш;

●минерал хом ашё ресурсларига бой минтақаларда хом ашёни комплекс қайта ишлашдан ундан юқори технологияларни жорий этиш асосида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган сикларни ўз ичига олувчи инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш;

●тармоқни комплекс ривожлантириш шароитида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш;

●республиканинг кўпгина минтақалари қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги мавжуд ишлаб чиқариш кучларини ва замонавий технологиялардан фойдаланиб ишловчи янги қайта ишлаб чиқарувчи корхо- налар сонини кўпайтиришни кўзлайди.

Мамлакат иқтисодиёти учта асосий тамойил фойдаланишга асосланиши керак:

биринчидан, минтақа аҳолиси талабларини шаклланаётган бозорларнинг аҳволи ва динамикасини, давлат ва алоҳида ишлаб чиқариш субъектлари талабларини синчиклаб ҳисоблай олиш;

иккинчидан, минтақалар ички ва ташқи омилларга иқтисодиёт структураларига максимал даражада мувофиқлашиш учун шароит яратиш;

учинчидан, минтақа манфаатларини фаол тўла қондириш. Шу билан бир қаторда, мақсадли дастурлар мамлакатнинг тизимли ва комплекс ривожланишлари минтақа иқтисодиётининг энг зарур муаммоларини ҳал қилиш учун амалий натижа берадиган механизм ҳам ҳисобланади.

Улар минтақа иқтисодий жараёнларини оқилона бошқариш асосида самарадорли ва узоқ муддатли минтақа иқтисодий сиёсатини таъминлашнинг ўзгарувчан воситаларини ўзларида акс эттирадилар. Уларнинг минтақа ривожланиш дастурининг стратегик мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

●молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқаришни оптимал тартибга солиш сифатини ошириш;

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

●минтақанинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларини ривожлантириш;
●мақбул экологик вазиятга эришиш;
●рақобатбардошлигини ошириш;
●ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш учун шароит яратиш мақсадларида иқтисодиёт структураларини сифатли трансформациялаш учун минтақа иқтисодий ресурсларини концентрациялаш.

Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш йўналишларидан бири тармоқда мавжуд хом ашёдан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Хом-ашё қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш учун маълум даражада меҳнат сарфланган ва шу меҳнат натижасида маълум қадар ўзгарган меҳнат буюмига айтилади. Хом ашё асосий ва ёрдамчи материалларга бўлинади[6]. Асосий хом-ашё тайёр маҳсулотнинг моддий асосини ташкил қилувчи меҳнат буюмидир. Тайёр маҳсулот таркибига кирувчи ёки асосий хом ашёни қайта ишлашга зарур шароит яратиб берувчи қолган барча меҳнат буюмлари ёрдамчи материаллар ҳисобланади.

Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш ресурс тежамкорлигини ошириш ва улардан тўлиқ фойдаланиш билан боғлиқ.

Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муоммолар	
Ишлаб чиқариш	Ишлаб чиқариш жараёнларининг такрорланиши юқори даражада эмаслиги ва вилоятдаги саноат корхоналарида ишлатилмай келаётган жиҳозларнинг эскириб бориши;
Механизм самарасизлиги	Бошқарув қарорларини қабул қилиш корхоналарда вужудга келган вазиятларни тўлиқ инобатга олган ҳолда амалга оширилмаслиги;
Иқтисодий	Вилоятдаги корхоналарга инвестиция киритиш даражасининг пастлиги;
Ташкилий	Мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги.

1-расм: Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар

Бу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ривожланган давлатлар томонидан бир қатор ечимлар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Қуйида энг самарали ечимларни келтириб ўтамиз:

1. Рақамлаштириш ва автоматлаштириш - Германия ва Япония саноат сиёсатида “Индустрй 4.0” концепцияси асосий ўринга эга бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг рақамлаштирилиши, “ақлли заводлар” концепцияси асосида автоматлаштириш, робототехника ва сунъий интеллект технологиялари кенг жорий этилган. Бу эса маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш тезлигини ошириб, харажатларни камайтиради.

2. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш - Жанубий Корея ва Швецияда саноат корхоналари фаолиятининг инновацион компонентига давлат томонидан субсидиялар, солиқ имтиёзлари ва грантлар орқали ёрдам кўрсатилади. Бу корхоналарнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга сармоя киритишига рағбатлантиради.

3. Малакали ишчи кучини тайёрлаш - Финляндия ва Германия тажрибасида корхона эҳтиёжларига мос техник ва касбий таълим тизимлари яратилган. Дуал таълим тизими орқали назария ва амалиёт уйғунлаштирилади, бу эса ишлаб чиқаришдаги самарадорликни оширади.

4. Энергия тежамкор технологияларни жорий этиш - Хитой ва Дания саноат тармоқларида “яшил технологиялар” кенг қўлланилиб, корхоналар энергия истеъмолини камайтириш ва чиқиндиларни камайтириш орқали иқтисодий ва экологик самарадорликка эришмоқда. Бу технологиялар атроф-муҳитга таъсирни камайтириш билан бирга, ишлаб чиқариш харажатларини ҳам пасайтиради.

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

5. Кластерлаш ва кооперация - АҚШ, Италия ва Голландияда саноат кластерлари шакллантириш орқали бир-бирига яқин жойлашган корхоналар ўзаро ҳамкорлик қилади, технологияларни тезроқ ўзлаштиради ва таъминот занжирларини оптималлаштиради. Бу корхоналарнинг умумий рақобатбардошлигини оширади.

6. Яхши корпоратив бошқарув - Самарали менежмент тизимларини жорий этиш корхоналарни рентабеллигини оширувчи асосий омиллардан биридир. Мисол учун, Toyota компаниясининг “леан продустион” тизими бутун дунёда самарали бошқарув модели сифатида тан олинган.

Ўзбекистон шароитида ҳам саноат корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдалана олмаслик асосий муаммо ҳисобланади. Бу муаммоларни бартараф этиш мавжуд ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириш ва саноат корхоналари самарали фаолиятини юритишини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режаси қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Саноат корхоналарининг ички ва ташқи имкониятларини аниқлаш;
2. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш;
3. Корхоналарининг ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
4. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, саноат корхоналари самарадорлиги замонавий иқтисодий ривожланишнинг асосий драйверларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Самарадорликни фақат техник кўрсаткичлар билан эмас, балки институционал, инновацион, рақамли ва бошқарув жиҳатларида ҳам комплекс тарзда баҳолаш зарур. Бугунги кунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоси дунё миқёсида умумий тенденцияларнинг – технологик трансформация, экологик барқарорлик, рақамлаштириш ва меҳнат бозори структурасининг ўзгариши – контекстида қаралмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасида самарадорликка эришишнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

• ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали инсон омилининг нисбий таъсирини камайтириш;

• инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва технологик модернизацияни жадал амалга ошириш;

• малакали кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқарувчилар ва таълим муассасалари ўртасидаги узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

• энергия самарадорлигига эришиш орқали иқтисодий ва экологик натижаларни уйғунлаштириш;

• тармоқ ва ҳудудий кластерлаш асосида саноат кооперациясини ривожлантириш.

Ўзбекистон шароитида ҳам саноат самарадорлигини ошириш учун тизимли ва стратегик чоралар мажмуасини амалга ошириш муҳим. Шу муносабат билан қуйидаги ўз илмий асосланган таклифларимизни бериб ўтамиз:

1. Рақамли трансформацияни чуқурлаштириш: саноат тармоқларида “рақамли двигателлар” – ERP, MES, ССАДА каби интеграцион тизимларни жорий қилиш орқали ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигини ошириш зарур.

2. Технологик модернизацияни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш: инновацион технологияларни жорий қилаётган корхоналарни имтиёзли кредитлар, грантлар ва

HSR (LONDON),
HOUGHTON STREET REVIEW JOURNAL
ISSN: 2058-5519|Impact factor-15.9
http://houghtonstreetreview.com/index.php/hsr

солиқ енгилликлари орқали қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

3. Саноат-таълим интеграциясини кучайтириш: корхоналар эҳтиёжларига мос касбий ва олий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш базасида амалиёт майдонларини яратиш.

4. Яшил иқтисодиёт тамойилларини кенг жорий этиш: энергияни тежовчи технологиялар, чиқиндиларни қайта ишлаш ва экологик меъёрларга асосланган ишлаб чиқариш стандартларини кенгайтириш лозим.

5. Ҳудудий саноат кластерларини шакллантириш: ўзаро боғлиқ корхоналар, илмий марказлар ва инфратузилма объектлари концентрацияси орқали кооперация ва инновацион синергетикани кучайтириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, самарадорликни оширишга қаратилган стратегик ёндашувлар фақат техник-модернизацион эмас, балки институционал, инсон капитали ва бошқарув маданияти асосида шаклланиши зарур. Шунингдек, бу йўналишда рақамли иқтисодиёт, инновацион сиёсат ва халқаро ҳамкорлик асосий омиллардан бири сифатида алоҳида эътиборга лойиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Yevropa Ittifoqi, NAFTA va ATES tarkibiga kiruvchi mintaqalar ulushi. Manba: 2020-yil uchun Jahon banki ma’lumotlari. Elektron manba: // databank.worldbank.org (manbadan foydalanigan sana: 07.11.2020-y).
2. Ricardo, D. (1817). On the Principles of Political Economy and Taxation. London: John Murray.
3. Smith, A. (1776). An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. London: W. Strahan and T. Cadell.
4. Solow, R. M. (1956). A Contribution to the Theory of Economic Growth. The Quarterly Journal of Economics, 70(1), 65–94. https://doi.org/10.2307/1884513
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 11.09.2023 yildagi “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risidagi PF-158-son Farmoni
6. Ortiqov.A. Sanoat iqtisodiyoti. Darslik.-T.: O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti, 2018. -215 b.
7. Hicks, J. R. (1939). Value and Capital: An Inquiry into Some Fundamental Principles of Economic Theory. Oxford: Clarendon Press.
8. Porter, M. E. (1990). The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press.